

**Усмонжон Раҳимов. АДУ доцент.
-да юкламасининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида.**

Тилга тизим-тузилиш сифатида ёндашиш бир қанча назарий чалкашликларга оидинлик киритди. Айниқса, ёрдамчи сўз туркумларининг семантик-грамматик хусусиятларини белгилашда бундай йўналиш асосий омил бўлмоқда. Чунки сўз туркумларига ажратиш тамойиллари ҳам тизимли муносабатни тақозо этади. Сўз туркумлари лексик-семантик, морфологик, синтактик тамойил асосида ажратилар экан¹, бир неча сатҳлар доирасидаги муносабатдорлик ўлчов бўлади. Лекин қайси ўлчов кучли ёки кучсиз бўлишини тизимли муносабат аниқлаб беради. Мустақил сўз туркумларини ажратишда лисоний жиҳатдан қийинчилик сезилмайди. Аммо ёрдамчи сўз туркумларини, Айниқса, юкламаларни ажратишда ўзига хос мураккаблик бор. Бундай мураккаблик тилга тизим сифатида ёндошиш орқали ечиш мумкин. Юкламаларнинг мураккаблиги – лексик маънога эга эмаслиги, синтактик муносабат ифодаласлиги, прагматик вазифа бажариши, қўшимча маъно ифодалаш билан белгиланади. Юкламаларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқувчи мураккаблик уларнинг вазифасига ҳам таъсир этади. В.Виноградов юкламалар ёрдамчи сўзлар доирасидаги ўз лексик-грамматик белгисига, тарихий-тараққиётига ва семантик-грамматик группаларига эга бўлган категориядир. Уларнинг лексик маънолари грамматик, логик ва экспрессив-стилистик функцияларига тенг келади. Шунинг учун уларнинг мазмуний томони кенг, синтактик сатҳда фойдаланиш қулайдир², -деб, юкламаларнинг бошқа сўз туркумларига ўхшамаган томонларини очиб берди. Ф.Ф.Фортунатов уларни семантик ўлчов асосида ўрганиш керак³ дейди. А.М.Пешковский ҳам юкламаларни синтактик қамров асосида ўрганишни таклиф этади⁴. а.А.Шахматов юкламаларни предикат билан турли муносабатда боғланиб, унга кучайтирув, таъкид ва турли маъно жиловларини берувчи алоҳида сўзлар гуруҳи сифатида талкин этади⁵. Ҳамда юкламалар мустақил морфологик категорияларига эга бўлмаса ҳам, синтактик қурилишда бир элемент, бирлик сифатида иштирок этишини таъкидлайди⁶. Демак, Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, А.А.Шахматовлар юкламаларни морфологик жиҳатдан тасниф қилсалар ҳам, синтактик ўлчов билан ўрганишни маъқул қўрганлар. Юкламаларни, умуман олганда, лексик маънога эга бўлмаган сўзларни синтактик қуршов асосида ўрганиш маъқул. Чунки уларнинг ўзига хос хусусиятлари синтактик қуршовда оидинлашади.

В.В.Виноградов юкламаларни Ф.Ф.Фортунатовнинг морфологик услуби ва А.А.Шахматовнинг синтактик йўналиши асосида тадқиқ этди. Унинг илмий ишлари Н.Ю.Шведова⁷, Л.М.Чистякова⁸, Г.Г.Скиб⁹ ва бошқалар томонида ижобий давом эттирилди.

Юкламалар сўз ёки гапга қўшимча маъно жилоси бериш учун ишлатилади¹. Демак юкламаларни аниқлашда матн алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бирор сўзга, гапга маъно жилоси юклашни матнсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун юкламалар морфологик жиҳатдан имконият тарзида ажратилса ҳам, синтактик қуршов унинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Яъни, грамматик маъно ва синтактик боғланиш ҳамда қўшимча маъно жилоси асосий мезон ҳисобланади.

¹ Қаранг: А.Нурмонов, Н.Маҳмудов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т., В.Виноградов. Русский язык. М. 1986 йил.

² В.В.Виноградов Ўша китоб. 544-бет.

³ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т-І Сравнительная языкознание. Общий курс. Стр. 165-166.

⁴ В.Виноградов История русских лингвистических учений. М., 1978, стр 143.

⁵ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып. 2. Л., 1944, стр-99.

⁶ Шахматов А.А. Ўша китоб. 434-бет.

⁷ Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису рус. разговорной речи. АН СССР М., 1960.

⁸ Чистякова Л.М. Частицы современ.рус.яз. АКД. Л., 1949 год.

⁹ Скиб Г.Г. Переход самостоятельных слов в служеб. АКА Львов, 1954 год.

Кейинги даврларда юкламалр фақат маъно жилоси берувчи восита эмас, балки гапнинг мазмуний тузилишида яширин пропозицияга ишора қилувчи восита сифатида талқин этилмоқда². кузатишлар шуни кўрсатадики, юкламалар лексик маъно ифодалай олмаса ҳам мазмуний тузилишда бир неча гапга тенг бўлган пропозиция – англантиб кела олади. Гапнинг мазмуний тузилишида мавжуд гап бўлаклари орқали эмас, балки юкламанинг ишораси орқали англантилган пропозицияни пресуппозиция деб аталмоқда³.

Юкламаларнинг пресуппозицияга ишора қилиши прагматик жиҳатдан юзага чиқади. Улар англантилган пресуппозиция прагматик маъносига тенг келади. –да юкламаси ҳам бир қанча пресуппозицияларга ишора қилувчи, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштирувчи воситалардан биридир. –да юкламаси илмий тадқиқот ишларда, дарслик ва кўлланмаларда кучайтирув-таъкид юкламаси сифатида талқин этилиб, гап мазмунини кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш ёки бирор воқеани таъкидлаш учун кўлланилиши уқтирилади⁴.

–да юкламаси кучайтирув-таъкид маъноларини юклаш билан биргаликда ҳам юкламаси билан синонимик муносабатда турли хис пресуппозицияларга ҳам ишора қилади.

«Раҳматлик отаси кўп яхши одам эди-да» гапида кучайтирув маъносидан кўра таъкид маъноси кучлироқ англашилиб «яхши одам эканлигини» таъкидлаб келяпти. «Биздан қайтганини бизга-да, борвларга-да айтмайди» гапида эса ҳам юкламаси билан синонимик ҳолатда кучайтирув-таъкид маъно жилосини юклаб, гапнинг мазмуний тузилишида «Ҳеч кимга айтмайди» пресуппозициясини ифодаламоқда. Гапнинг мазмуний тузилишида «Бизга айтиш керак эдт», «Бировга айтиш керак эди» деган яширин ҳукмлар ҳам мавжуд. Бундай мураккаблик –да юкламасининг пресуппозицияси орқали юзага келмоқда.

«Елкаларига ташлаб олмиш рўмоли-да оппоқ бўлди» гапида ҳам юқоридаги ҳолат кўзга ташланади. –да юкламасини ҳам юкламаси билан синонимик муносабатда деб айтишимизга сабаб, келтирилган гапларда –да юкламаси билан ҳам юкламаси эркин алмашинади ва англатаётган маъно жилоси ҳам ўхшаш: Елкаларига ташлаб олмиш рўмоли ҳам оппоқ бўлди. Елкаларига ташлаб олмиш рўмоли-да оппоқ бўлди. Бу гапларнинг иккаласида ҳам –да ва «ҳам» юкламалари «+ўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозицияни англантимоқда. Яъни «Бошқа кийимлари ҳам оппоқ» тарзида.

Баъзан –да юкламаси –дан чиқиш келишиги кўшимчасини олган от билан боғлиқ келади ва маънони кучайтириш, таъкидлаш орқали турли хил пресуппозицияларга ишора қилади.

«Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал» гапи «Ойдан ҳам гўзал, кундан ҳам гўзал» тарзида синтактик бутунлик билан синоним ҳолатда. Ифодалаётган пресуппозицияси ҳам ўзаро бир хил. –да юкламаси тил бирлиги сифатида имконият тарзида тилнинг морфологик тузилишида мавжуд бўлиб, унинг бир қанча элементлари хоссаларига кўра юклама дейиш мумкин. Бу юкламанинг ҳам юкламасига тенг келиб қолиши эса нутқий жараёндаги фаолияти билан боғлиқ.

Маълумки, кейинги йилларда тил бирликлари ономосиологик йўналишда таҳлил қилина бошланди. Бу йўналишда маънодан шаклга, ифода томонига борилади¹. Бу йўналиш асосан лексикологик сатҳда муваффақият қозонди. Ономосиологик таҳлилни грамматик кўрсаткичларга ҳам тадбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. лекин бир ёқлама бўлиб қолади. Шунинг учун грамматик категориялар таҳлилида мазмун – шакл ва шакл – мазмун муносабатдорлиги асос қилиб олиниши керак. Айниқса, мустақил лексик маънога эга бўлмаган сўз туркумларини аниқлашда бу ёндашиш жуда муҳим.

–да ва ҳам юкламаларининг семантик-грамматик хусусиятларини белгилашда шаклдан мазмунга томон борилса, чалкашлик юзага келади. Ҳам _сўзи ҳам юклама, ҳам

¹ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Т.,1975. I том, Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги замон адабий тили. Т., 1980. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.,1991.

² Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1986 йил

³ Нурмонов А. «–дан ташқарии» конструкциясининг пресуппозицияси. «Ўзбек тил ва адабиёти».1986 йил.

⁴ Қаранг:

боғловчи, ҳам сўз ясовчи восита бўла олади. Шунинг учун мазмундан шакл томон борилса, ойдинлашади: «Онамиз ҳам келди» гапида юклама; «Ҳам Салим, ҳам Карим келди» гапида боғловчи; «Ҳамхонам ҳамфикр бўлди» гапида ясовчи восита. –да юкламасининг семантик-грамматик хусусиятини аниқлашда ҳам мазмундан шакл томонга бориш мақсадга мувофиқ. –да юкламаси баъзи ҳолатларда кучли таъкид ифодаласа, баъзи ҳолатларда кучсиз таъкид ифодалайди. Кучсиз таъкид ифодалаган пайтда ҳам юкламасига синонимик муносабатда бўлади.

«Бир қиш узун-да келди, аёз-да келди» Ушбу гапдаги ҳолат кўзга ташланади:

Бир-аслида сон лекин бу гапда мазмунан сони ифодаламайди, балки кучайтирув-таъкид маъносини ифодалаб юклама вазифасида келяпти.

+иш – от. Фасл номи.

Узун – равиш. Узоқ давом этганлик маъносида келган.

Аёз – сифат. +аттиқ совуқ ҳолатини ифодаламоқда.

-да – юклама. Кучли таъкид маъносини ифодаламоқда.

Демак, -да юкламаси бу гапда кучли таъкид маъносини ифодалаб, мазмунан ҳам юкламасига синонимик муносабатда бўлмоқда.

Солиштиринг: Бир қиш узун-да келди, аёз-да келди. Бир қиш ҳам узун келди, ҳам аёз келди.

-да юкламаси ўйланган, таҳмин қилинган фикрни мазмунан таъкидлаб инкор маъносида келади. «Соатда жон йўқ-да». Бу гапда соат ишлатилиши ҳам мумкин эди деб ўйлаганликни инкор этиб, «Соатда жон бор деб йўлаган» деган пресуппозицияга ишора қилмоқда. Инкор маъноси «Йўқ» сўзи билан ифодаланса ҳам, таъкид ва пресуппозиция –да юкламаси орқали юзага чиқмоқда.

Умуман, юкламалар гапнинг мазмуний тузилишида ўзига хос ўрин тутаяди. Гапни мазмунан мураккаблаштиради, гапнинг актуал тузилишида актуаллаштирувчи восита сифатида иштирок этади. Прагматик тузилишда мантиикий ёки лингвистик пресуппозиция ифодалаб, синтактик тузилиш орқали ифодаланган очиқ ҳукмга қўшимча тарзда яширин ҳукм англатади. Юкламалар гарчи лексик маъно англатмаса ҳам мустақил сўзларнинг лексик маънолари остида битта, баъзан бир нечта гапга тенг бўлган фикр пресуппозиция ҳисобланади. Пресуппозиция эса юкламаларнинг прагматик маъноси сифатида юзага чиқади. Шунинг учун юкламаларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда синтактик курсовни асосий мезон қилиб олинса, тизим-тузилиш йўналишдаги таҳлил холисона бўлади.